Ушбу сонда:

2 ТАДБИРКОРЛАР ҲИСОБИДАН мингдан зиёд иш ўрни

3 *Алҳазар!* КАНАЛ БЎЙИДАГИ ҚОТИЛЛИК

4 *Бор бўл, оқибат!* КЎЗЛАРДА МЕҲР НУРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 23 апрел, жума № 67 (1700)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«СЕЗАМ» - КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ

Мамлакатимиз молия тизимида вужудга келаётган изчил рақобат банклардан ўз мижозларига янги-янги хизмат турлари тақдим этишни тақозо этмоқда.

Халқ банки жисмоний шахсларга ўз бойликлари - қимматли қоғозлар, накд пуллар ёки муҳим ҳужжатларини бевосита банкнинг ўзида сақлаш хизматини жорий этган. Мижоз ўз бойлигини махфий сақлаш учун унга «Сезам» пўлат сандиқлари ижарага берилади. Бу бойликни одамлар онгида ўрнашиб қолган «кўрпа қатида» асраш одатидан воз кечишга ва профессионал қўриқчиларга ишониб топширишга олиб келади. Бундай пўлат сандиқлар банкнинг махсус биноларида кафолатли сақланади.

Айни пайтда турли ҳажмдаги сейф ячейкалари жисмоний шахсларга шартнома асосида фойдаланишга берилмоқда. Халқ банкининг деярли барча туман ва шаҳар бўлимларида жами ўн минг ячейкали 200 дан зиёд «Сезам» сейфларидан мингдан ортиқ мижоз самарали фойдаланяпти.

(ЎзА)

ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТ

«Тошкент чинни заводи» очиқ акциядорлик жамиятида маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар ўз харидорига эгадир. Жорий йилда бу ерда қирқ икки турдаги 210 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Корхона самарали иш олиб бориши учун мавжуд эскириб қолган технологик линиялар янгисига алмаштирилди. Шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар, қиймматбаҳо бўёқлар, хомашё ва зарур материалларни сотиб олишда АҚШнинг «Stenford Capital Ink» компанияси томонидан уч юз миллион сўмлик сармоя киритилди.

Олти юз эллиқдан зиёд ходим меҳнат қиладиган мазкур жамият келгусида ҳар йили салкам саккиз юз миллион сўмлик жами эллик турдаги харидорбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпти.

Суратларда: гул цехи чизувчиси Нодира Йўлчиева; гулчи Наргиза Зокирова.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

2.«МОМО ЕРИМ, ЎЗИНГСАН, ЭНГ МУҚАДДАСИМ...»

ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Илгари, аравага қўшилмаган дулдулдек ўт-олов бўлган болалар мактаб билан аллақачон хайрлашганлар. Расулжон Муҳаммаджоннинг қуюқ қошларига, қоратўри юзига разм солиб, ҳаммадан ҳам кўпроқ улғайганлигини фаҳмлайди. Дўстининг елкаси оша қараркан, унинг тиззасидаги дафтарга тўкилаётган «ўпай десам, пешонанг йўқ қизғалдоқ» деган жумлаларга кўзи тушади. Яна бир мактабдоши Йўлдошали Қурбоновнинг айтишича, кейинчалик Муҳаммаджон, қадрдон дўсти, Ўзбекистон халқ артисти марҳум Охунжон Мадалиев билан бот-бот Улуғтоққа келишаркан. Халқ орасида кенг ёйилиб кетган «Лолақизғалдоқ» қўшиғи шу ерда ижодий ҳамкорликда пишитилган экан.

Ўтовда, чўпонлар даврасида, таппиларни тутантириқ қилиб, қорақумғондан чой ичиш, уларнинг дараларда макон қурган жониворлар ҳақидаги ҳикояларини тинглаш учун Муҳаммаджон атайлаб Тошкентдан келишини Йўлдошали гапириб берди. Буюк рус шоири Лермонтов монанд ёзилган сайланма асарлари ичида энг сараси бўлган «Эрка кийик» лирик шеъри ҳам шундай суҳбатларда туғилган бўлса, ажаб эмас.

Соч оқарди, дилдош кутиб кўзим толди,
Юрагимдан тўкилмай не сўзим қолди...
Йўл сўнгида, ҳеч бўлмаса, ўлимолди,
Эрка кийик майлими, бир эркаласам...?

Бу қуйма сатрлар битилганда, шоир эл орасида Муҳаммад Юсуф сифатида донг чиқарган, мухлислар ҳеч бўлмаганда, унинг бир бора қўлини тутиш, шоирона суҳбатларидан бир чимдим бўлсада, баҳраманд бўлиш илинжида атрофида айланиб юришарди.

Муҳаммад Юсуфнинг ўғли Бобуржон Самарқанд бозорида бешиксоз уста билан отаси ўртасида ўтган воқеани гапириб берди.

Муҳаммад Юсуф дўстлари билан бозор пештахталарини оралаб, жаҳонга донғи кетган Самарқанд патирларини томоша қилиб юраркан. Шу пайт, қошкўзларига пайраха чанги қўнган, пешбанд тутган норғул йигит йўлини кесиб чиқиб, «Сиз Муҳаммад Юсуф бўласиза?» деб луқма ташлайди. Шоирнинг узатган қўлларини пешонасига суртиб, кулиб, дабдурустдан «Мен Озодани севаман», дейди. Бошқалар нима гаплигини поёнига етолмайди. Аммо шоир бешиксоз хонанда Озода Нурсаидовага ишорат қилаётганлигини илғаб олганди. Бироздан сўнг, бешиксознинг шеърият ва санъат шайдоси эканлиги аёнлашади. Бу мухлислар билан бўлган юзлаб учрашувлардан бири эди. Лекин шоир шинавандаларининг дийдорлашувларини беэътибор қолдирмаган. Таассуротларни қаергадир, ён дафтаргами, сигарет қутисигами қайд қилиб қўйиш одати бўлган. Беш олти йиллар орадан ўтади. Тошкентдаги «доми»нинг қазноғида ниманидир қидираётиб, эски саватча ичидан бешиксоз мухлисининг «Озодани севаман» деган луқмаси битилган қоғоз парчасини топиб олади. Самарқанд ташрифи хотиралари кўз олдида қайта жонлана бошлайди. Натижада қалам ва қоғоз билан қолган танҳо кечаларнинг бирида «Озодани севаман» шеъри туғилади. «Бинафша» каби киндик қони томган диёри ҳақидаги ашъорлар шу тариқа дунё юзини кўрганди.

Юртга садоқат, унинг табиатига ошиқлик, ота макони соғинчи шоир қалбида чуқур из қолдирган. Ўз тақдирини Ватан эртаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда қўрарди. «Кўнгилда бир ёр» тўпламидаёқ бу олий туйғулар баралла янграган:

Кўнгил сезар, энди буёғи аён.
Дўстларим, дўстларим, бахтли бўларман.
Ё, Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё, уйимга кетиб ариқ бўйида,
Ялпизга суяниб, ўлиб қоламан.

Она Ватанга дардкашлик шунчалик бўлар! Қаранг, шоир сўнгги сонияларда ҳам Хизробод ариғи соҳилидаги кўзларига суртган ялпизга суяниб дунёдан ўтаяпти. Ўз юртингнинг ҳатто девори ҳам суяйди, деганлари шу, эмасми.

* * *

Шеърларида баланд пардаларда куйлаган, тилидан туширмаган ўша Хизробод ариғи бўйидаги сўрида ўтирибмиз. Марҳамат туман халқ таълими бўлими мудири, шоирнинг талабалик йилларидаги курсдоши, ётоқдоши бўлган Муҳаммаджон Шоматовнинг айтишича, дўсти ўлимидан атиги икки кун олдин 24 июн 2001 йили қишлоғига келган. Қишлоғини қўмсаганини гапириб, ҳазил аралаш, Хизробод ариғига бир шўнғисам, чўнтагим илҳомга тўлади, дея кула-кула, анҳорнинг пишқириб оқаётган сувларида яйраб чўмилган. Юз-кўзларидан сирғалиб тушаётган зилол томчиларни тили билан илиб ютиб, такрор-такрор «энди соғинчим, ҳовурим босилди», - деган.

Хизробод ариғи Муҳаммад Юсуфнинг бежиз «юрагидан урмаган» эди. Президентимиз вилоят ҳокимлиги биносидаги анжуманда Ўзбекистон халқ шоири нишонини топшираётиб, фахр билан «бу қорамағиз бола қаердан десам, Андижондан экан» дея юртимиз салоҳиятига эҳтиромини билдирганини эндиликда ҳамма билади.

Биз ўтирган сўридан атиги бир қадам наридаги гўшадан бугун элнинг оёғи узилмайди. 50 йиллик таваллуди баҳонасида хотира ва қадрлаш куни ила савоб излаб бу ерга фаррошдан тортиб вазиргача қадам ранжида қиляпти. Онажониси Энахон опа 80 ёшдалар. Фарзанд доғи онаизорнинг мунг тўла кўзларининг тубида, киприкларига илиниб турган томчи ёшдан кўриниб турибди. Ёрубиродарларининг кириб келаётганини кўраркан, уларнинг қаватида болажониси, ўзи томон қучоқ очиб келаётгандек бўлади. Онаизорга боқиб, беихтиёр хаёлимга шоирнинг «Онамга» шеъри қуйилиб келади.

«Оҳ менинг ортимдан овора онам,
Бир парча юраги минг пора онам...
Шаънингга шеър битдим. У сени топсин
Пойингга тиз чўкиб қўлингни ўпсин»

Ҳа, шоир ўзи айтгандек, ашъори ила барҳаёт. Бутун мамлакатда, Андижонда киндик қони тўкилган Марҳамат туманида шоир юбилейига катта тараддуд кетмоқда. Шоир яшаб ижод қилган уйни, таълим-тарбия олган 25-ўрта мактабни қайта таъмирлаш, дафн этилган қабристонни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш бўйича туманда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳоким Козимжон Мадраҳимов тайёргарлик бўйича маданий-маърифий, қурилиш юмушлари ижросини шахсан ўзи назорат қилмоқда.

Темир Юсупов номли маҳалла оқсоқоли Турғунбой Бозоров бошлиқ фаол оқсоқоллар ишларга бош-қош. Хайрли ишлар ҳомийлар кўмагида олиб бориляпти.

Ҳа, шоирга халқ эҳтироми беқиёс. Туман марказидаги маданият ва истироҳат боғига, 25-ўрта мактабга Муҳаммад Юсуф сиймоси туширилган мармар бюст ўрнатилади. У яшаган кўчага шоир номи берилиб, абадийлаштирилиши кўзда тутилган. Қабристонда гумбаз кўтариш, ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш ишлари ниҳояланмоқда. Ўқувчилик йиллари кечган 25-мактабда хотира кечаси ўтиш арафасида. Шу куни марказий ўйингоҳда Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб катта спорт мусобақалари ўтказилади.

Шоир ўз юртини жаннатмакон ҳолда кўришни орзу қиларди. Боғу бўстонларини беҳад севарди. Ариқ ва йўл бўйларига 800 дона мевали ва манзарали дарахт қаламчалари, 800 туп гул кўчатлари ўтказилди. Қабристон ҳудуди панжаралар билан тўсилиб, анвойи гуллар барқ уриб турган аллеялар, 100 ўринли айвон қурилиши бугун-эрта якунланади. Бу савоб ишларни У.Қорабоев номли ширкат хўжалиги, туман машина-трактор парки, пахта тозалаш корхонаси, автосарой, туман халқ таълими бўлими жамоалари адо этишмоқда. Шоир ўзига шунчалар эҳтиром кўрсатаётган халқига пешвоз чиқяпти.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон-Полша муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Айникса, иқтисодий соҳадаги алоқалар самарали кечаётир. Айни пайтда юртимизда Полша ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган катор қўшма корхоналар, шунингдек, «Будимекс», «Полимпехс Цекоп» каби йирик фирмаларнинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил 10-12 июл кунлари Полшага ташрифи чоғида бир неча янги икки томонлама ҳужжатлар қаторида, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Полша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди.

Мазкур битимга биноан икки мамлакат ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик янада ривожланмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Полшанинг «Будимекс» қурилиш компанияси ўртасида имзоланган ҳужжат бу фикрнинг далилидир.

Ҳужжатга мувофиқ, Полшанинг «Будимекс» қурилиш компанияси Бухородаги «Бухоро турист» меҳмонхонасини таъмирлаш ҳамда Шаҳрисабзда янги меҳмонхона мажмуини барпо этиш ишларига 11 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

«Dedeman Sijk Road» меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Полша ишбилармон доиралари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Уни «Ўзбекистон-Полша» дўстлик жамияти ташкил этди.

Учрашувда мазкур жамият раиси, Ўзбекистон Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ва Полшанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси З.Кухчак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча жабҳаларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада жадал ривожланаётганини таъкидладилар.

Полша - Ўзбекистоннинг Шарқий Европа минтақасидаги муҳим савдо шерикларидан. Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил ёзида бу мамлакатга расмий ташрифи асносида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилган эди.

Полшанинг келаси ой Европа Иттифоқига қўшилиши ҳам мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун янги имкониятлар яратади.

Учрашув қатнашчилари ишбилармонлар ўртасида мунтазамлик тусини олган бевосита мулоқотларни янада кенгайтириш орқали савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

(ЎзА)

Бир Фармон шарофати

ОРОЛБЎЙИГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ

Президентимизнинг «Республика аҳолисини сифатли ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижроси бўйича Оролбўйи минтақасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Хусусан, Қорақалпоғистон республикасида янгитдан 2900 та қудуқ ишга туширилиб, 200 дан ортиқ қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Фуқароларга қўшимча нафақалар тўлаш учун 180 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ҳукумат қарорига мувофиқ минтақада ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун давлат бюджетидан қарийб 1 миллиард сўм маблағ берилди.

Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, хорижий давлатларнинг кредитлари, грантлар ва донорлик ёрдамлари ҳисобидан 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ана шу муҳим ишга сарфланди.

Шунга қарамасдан минтақада табиий мувозанатни тиклаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, долзарб масала бўлиб турибди. Шунинг учун Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси GEF агентлигининг Оролбўйи аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини тиклаш, атроф-муҳитни туз ва чанг тўзонларидан ҳимоя қилиш, иш жойларини кўпайтириш бўйича лойиҳалари амалга оширилаяпти.

Президентимизнинг Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидлаганидек, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамлар турмуш тарзида содир бўлаётган ўзгаришлар қорақалпоқ халқининг машаққатли меҳнати ва ғайрат-шижоати самарасидир.

Кейинги йилларда 243 километр узунликдаги Туямўйин-Нукус, 112 километрли Нукус-Тахтакўпир сув узатиш иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мураккаб экологик шароитда яшаётган кишиларга қулайлик яратиш мақсадида Чимбой, Тахтакўпир, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ туманларидаги 390 та аҳоли яшаш масканларига ичимлик суви етказиб берилди.

Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг Нукус бўлими томонидан «Қишлоқлардаги насос станцияларини капитал таъмирлаш ва аҳоли сув таъминотини яхшилаш» лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирга қадар 8 та сув тўплаш иншоотларида таъмирлаш юмушлари олиб борилди. 69,3 миллион сўм маблағ сарфланиб, 28 та қудуқ ва 5 та сув тозалаш иншоотларига янги жиҳозлар ўрнатилди. Қораўзак, Бўзатов, Хўжайли, Нукус, Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларида истиқомат қилувчи 56 минг 241 оиланинг сув таъминоти яхшиланди. «Жилтирбас» кўлининг шимолий тўғонида сувни тўпловчи ва чиқарувчи иншоот ишга туширилди.

Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистонда 11,8 минг километр газ тармоғи ишлаб турибди. Янгитдан 44 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. 9,4 километр узунликдаги шохобчалар капитал таъмирдан чиқарилди. 4,5 километрли «Шўркўл-Нукус» газ тармоғи қурилиши ниҳоясига етказилаяпти. Беруний туманидаги «Қизилқалъа» ва Тўрткўл туманидаги «Қумбосган» посёлкалари, шунингдек, Тахтакўпир, Қораўзак, Бўзатов туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминланган, холос. «Қорақалпоқовулхўжаликсувтармоқлари» трестининг маълумотларига қараганда, республикада 366 минг аҳоли марказлашган сув билан таъминланган, холос. Трест бўлинмалари томонидан бир йил давомида 1150 та қудуқ, 90 та ичимлик суви заҳиралари тозаланди. Қўнғирот, Кегайли, Тахтакўпир, Чимбой, Шуманай, Нукус, Амударё, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний туманларида 19 та электр насослари қурилди.

Ишлаб чиқилган дастурга асосан 2010 йилгача 672 километр сув узатиш тармоқлари ётқизилиши зарур. Бундан ташқари, 401,3 километр қувурлар эскирганлиги туфайли ишдан чиқиш ҳолатига келиб қолган.

Республика вакиллиги ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам «Қорақалпоқгазтаъминот», «Автотеххизмат», «Қўнғирот сода заводи» каби ташкилотларда жамоа шартномаларининг бажарилишига юксак масъулият билан ёндашилмоқда. «Берунийтекстил», «Манғиттекстил» акциядорлик жамиятлари, «Элликқалъа-Юниверс» қўшма корхонасида ишчиларнинг ўртача ойлиқ иш ҳақи белгиланганидан 1,5 баравар кўпайди.

Коммунал фойдаланиш бошқармаси, «Енгилсаноат» акциядорлик компанияси касаба уюшма қўмиталари меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, иш ҳақини вақтида тўлаш сингари ижтимоий ҳимоянинг бошқа масалалари билан мунтазам шуғулланаяптилар. «Енгилсаноат» тизимида маҳаллий хотин-қизларни касаначиликка жалб қилиш тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли 500 дан ортиқ киши уйда ишлаш билан шуғулланаяпти. Имтиёзли кредитлар ҳисобидан 850 миллион сўм сарфланиб, иш ўринлари кенгайтирилди. Корхоналар янги технология билан жиҳозланди. Кейинги 5 йилда янги иш ўринлари яратиш учун 250 миллион сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган.

Олиб борилган таҳлиллар тармоқда иш ҳақи тўловлари кечикаётганлиги, жамоа шартномаларида кўрсатилган бандлар тўлиқ бажарилмаётганлиги, ходимларнинг ишлаши ва дам олиши учун етарли шароит яратиб берилмаганлигини кўрсатиб турибди. Шу боис Марказий қўмита вакиллиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Мендибой УЗОҚБОЕВ, Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Қорақалпоғистон республикасидаги вакили

ИМТИЁЗЛАРДАН БЕБАҲРА ХОДИМЛАР

Фермерлик ҳаракати: ютуқ ва муаммолар

Меҳнат муносабатларида ишчи манфаати устувор. Хўш, шундай экан бугун ер эгаси бўлмиш фермер ва унинг даласида ишлаётган ишчи ўртасида меҳнат муносабатлари қай йўсинда шаклланаяпти?

Хусусан, Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси текширувларида фермерларнинг бу борадаги сусткашлиги сезилиб қолди. Таҳлил асосида олиб кўрилган 82 та фермер хўжалигида 800 нафар ёлланма ишчилар хизмат қилади. Уларнинг атиги 300 нафари меҳнат дафтарчасига эга. 500 нафар кишига эса меҳнат дафтарчаси очилмасдан қолган. Негаки, фермерларнинг аксарияти оғзаки шартнома асосида ишлашни афзал билишган.

– Меҳнат муносабатларига доир услубий қўлланмалар ишлаб чиқиб, фермер хўжаликлари раҳбарларига етказиб бердик, - дейди бошқарма шуқуқшуноси Муҳаммаджон Абдураҳмонов. – 2,5 мингдан ошиқ мулк соҳиблари фаолияти мониторингдан ўтказилди. Таассуфланарлиси, уларнинг аксарияти беш кунлик муҳлат ичида меҳнат шартномаси тузиш лозимлигини била туриб, уни амалда жорий этишмаган.

Қарс икки қўлдан деганларидек, фермер даласига ишга чиққан ишчи ҳам бу борада эътиборсизликка берилаяпти. Фермер қўлида ишлаётган, саралаб кўрилган 2800 нафар ишчининг 370 нафарига меҳнат дафтарчаси очилмаган бўлса, қарийб 400 нафар кишининг меҳнат дафтарчалари ўзларида сақланаётганлиги аниқланди. Кўриниб турибдики, муайян иш билан банд бўлган 770 нафар киши Меҳнат Кодексида кўзда тутилган имтиёзлардан бебаҳра қолаяпти. Уларга меҳнат муҳофазаси, хавфсиз иш шароити яратиш, саломатликлари-ю дам олишлари хусусида қайғуришни ҳеч ким ўз бўйнига олмаган. Ишда тасодиф юз бермайди, деб ким кафолат бера олади. Шундай ҳолатда оғзаки асосда иш берган фермер масъулиятдан қочиб қолмайдими. Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисолни келтириб ўтайлик.

Ўтган йил Гулистон туманидаги «Ал барака» фермер хўжалиги раҳбари К.Қобулов машинист-тракторист гувоҳномаси бўлмаган Жамолиддин Ражабалиев билан оғзаки шартнома тузади. Унга кўра ҳайдовчи фермер пахтасига сифатли ишлов бериши лозим эди. 18 июн куни жазирама иссиқдан қочиб, тракторни тунда ишлатишга қарор қилишади. Оқшом техника бошқариб толиққан Жамолиддин Ражабалиев ёрдамга амакисининг ўғли Ҳасан Ражабалиевни чақиради. Ўзи эса ғўза қаторига чўзилиб уйқуга кетади. Тунги соат 1.45 лар чамаси трактор ҳайдаётган Ҳасан Ражабалиев далада ухлаётган Жамолиддин Ражабалиевнинг устидан босиб ўтиб кетади. Оқибатда жабрдийда воқеа жойида вафот этади. Бир инсон бевақт ҳаётдан кўз юмди. Унинг ҳали вояга етмаган фарзандлари бор эди. Дахлдор идоралар фожеали воқеани ўрганди. Аммо фермер товон пулини тўлашдан бўйин товлади. Сабаби марҳумни ёқлайдиган ҳеч бир ҳужжат йўқ. Хуллас, бу можароли иш ҳали-ҳануз ўз поёнини топмасдан келаяпти. Агар фермер ва механизатор ўртасида келишувлар амалдаги қонунлар доирасида имзоланганида эди, воқеа бошқача тус олган бўларди. Жабрдийда оиласи ҳеч бўлмаганда моддий томондан муайян имтиёзга эга бўларди.

– Вилоятимиздаги аксарият хўжаликлар ери фермерларга тақсимланди. Биз амалдаги йилдан бошлаб барча деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмалари билан жамоа шартномаси имзолашга муваффақ бўлдик, - дея суҳбатни давом эттирди Сирдарё вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдурашид Рустамов. – Эндиликда юқоридагидек кўнгилсизликларга барҳам бериш, фермер даласида ишлаётган ишчиларни ҳимоялашда кафолатга эгамиз. Йил бошида Ш.Рашидов номли туманда бу борада семинар-ўқув ўтказилди. Тармоқ вакилларини йўриқномалар билан таъминладик. 6 мингдан ошиқ фермер хўжаликлари жамоа шартномалари билан қамраб олинди.

Тўғри, ходимларга нафақат иш шароити, балки қатор қўшимча имтиёзлар билан таъминлаётган фермер хўжаликлари ҳам кўп. Шулардан бири Раҳмон Маматқулов бошчилик қилаётган «Р.Қосимжонов» номли фермер хўжалигидир. Далада ишлаётган 15 нафар ишчи йилига 2 маротаба ишчи коржома этик, бепул иссиқ овқат билан таъминлаб келинаяпти. Барча ходимлар хонадонида ёқилган газ, электр энергияси учун ҳақ ҳам фермер ҳисобидан қопланади. Ўртача ойлик маош 25 минг сўм миқдорида белгиланиб, ҳар ойда тарқатилади. Бу ғалла, ёғ ва йиллик мукофотдан ташқари, албатта.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Ислоҳот мевалари

ТАДБИРКОРЛАР ҲИСОБИДАН

Қўнғиротда мингдан зиёд иш ўрни яратилди

Бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, ишсизликни камайтириш тадбиркорлик фаолияти асосини ташкил этади. Шу боис Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудида жойлашган Қўнғирот туманида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали бозор конюктураси кенгайтирилаяпти. Бу ерда тадбиркорлик субъектларини моддий ресурслар, техника ва ускуналар, кредит маблағлари билан қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган. Бошқача айтганда, туман ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатасининг саъй-ҳаракати туфайли тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилган.

Ишбилармонлик субъектларининг кенгайиши «Бандлик» дастурини амалга ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берди ва туманда бир мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Бултур 184 деҳқон-фермер хўжаликлари, 29 та микрофирма ва 6 масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 200 нафардан ортиқ жисмоний шахс рўйхатга олинди.

2004 йилнинг ўтган чорагида кичик ва хусусий тадбиркорларнинг тадбиркорлик субъектлари салмоғи қурилишда 12, чакана савдо ва умумий овқатланишда 65, маиший хизматда 21 фоизга кўпайди.

Юзага келган экологик вазият аҳолини ҳар томонлама қўллаб қувватлашни тақозо этади. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Қўнғирот бўлими томонидан 369 миллион сўмлик қисқа муддатли кредитлар ажратилди. Кредит ресурсларининг 119 миллион сўми кичик ва хусусий корхоналар, 90 миллион 960 минг сўми фермер хўжаликлари, 158 миллион сўми якка тартибда ишловчи тадбиркорларга берилди.

Республика «Бизнес фонди» ҳисобидан ҳар бири 1 миллион сўмлик маблағ олган «Жонсабит», «Жавоҳир», «Темур-2», «Дамижон» деҳқон-фермер хўжаликлари ўзларининг моддий техника базаларини мустаҳкамлаб, чорвачиликни ривожлантириш, техника сотиб олиш ва емхашак етиштиришни кўпайтиришга киришдилар.

Хорижий сармояларни жалб қилиш ҳисобига 3 та қўшма корхона тузилган. «Бибихоним» хусусий фирмаси ўрнида Туркиянинг «Умид Пластик» компанияси билан ҳамкорликда Низом жамғармаси 150 минг АҚШ доллари бўлган «Қорақалпоғистон - Туркия Дуз ЛТД» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Янги корхонани очишдан мақсад истеъмол бозорини юқори сифатли йодланган ош тузи билан тўлдиришдан иборат. Аҳил жамоанинг уюшқоқлик билан иш олиб бораётганлиги туфайли ҳар чоракда 54 миллион 150 минг сўмлик маҳсулот савдога чиқарилаяпти. Ҳозир корхонада ўндан ортиқ киши ишлаётган бўлса, келгусида уларнинг сони икки бараварга кўпаяди.

«Орол - карбид» хусусий фирмаси ўрнида ташкил этилган «Қазқўнғироткарбид» Қорақалпоғистон-Қозоғистон қўшма корхонаси саноат ва қурилишда кўп ишлатиладиган карбид ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Низом жамғармаси 75 минг АҚШ доллари миқдоридаги янги тармоқнинг вужудга келиши саноат ва қурилиш тизимининг карбид маҳсулотига эҳтиёжини қондиради. Яна бир «Ўзбекистон-Кипр» қўшма корхонаси ҳам туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган. Йўлдош Охунбобоев номли ва «Қўнғирот» ширкатлари ўрнида 136 та деҳқон-фермер хўжаликлари тузилиб, ер, сув ва техника воситалари билан таъминланди. Овулда мулкдорлар синфи вужудга келди.

Осиё тараққиёт банки томонидан Япониянинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳасига асосан маблағ ажратилди. «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси орқали йўналтириладиган бу маблағ қишлоқ ва овулларга тоза ичимлик суви ва табиий газ келтириш учун сарфланади.

Умуман, Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, ёғочни қайта ишлаш цехлари ва расмхоналар очиш ишлари амалга оширилаяпти.

«Мерседес-юлдуз» деҳқон-фермер хўжалиги, «Бонн-Гирк» кичик корхонаси, «Тўрахон» хусусий фирмаси, Қулайбой Аҳмедовнинг якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларида ун тегирмони, мойжувоз каби одамлар учун зарур бўлган цехлар очиш режалаштирилган.

И.ИСОМИДДИНОВ

ШИФОБАХШ МАЪДАНЛИ СУВЛАР

Денов туманидаги «Хайробод» маъданли сув ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотлари билан истеъмолчилар эътиборини қозонган. Корхона 1998 йилда ишга туширилган бўлиб, «Пахтабанк» томонидан 83 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги кредит билан молиялаштирилди. Натижада ишлаб чиқариш маскани Польшанинг замонавий технологик ускуналари билан жиҳозланди. Табиий концентратларни эса Германиянинг «DOHLER» ҳамда Швециянинг «DANISKO» фирмалари етказиб бермоқда.

Айни пайтда бу ерда беш турдаги салқин ичимликлар 0,5 литрли шиша ва 1 литр ҳажмдаги полиэтилен идишларда сотувга чиқарилмоқда. Корхона бир соатда 700 литр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Жамоа 40 нафар ишчи-ходимдан иборат.

Маҳсулот сифати жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб беряпти. Шу боис мазкур сувга қўшни вилоятлардан ҳам қизиқиш ортмоқда.

Д.ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

ШЎРАЛИСОЙДА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Янгийўл туманида аҳоли саломатлигини сақлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил бошида Халқобод қўрғонида бир қанча вақт фойдаланилмай ётган тиббиёт биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, унинг ўрнида 70 ўринга мўлжалланган туғруқхона фойдаланишга топширилган эди. Яқинда аҳолига яна бир қулайлик - туманнинг Шўралисой қишлоғида қўплаб қулайликларга эга бўлган янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Замонавий тиббиёт талабларига мос ҚВПда уқалаш, ЭКГ, физиотерапия, муолажа, стоматология, акушер-гинеколог хоналари фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, туманда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, она ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг яхшиланиши натижасида улар ўртасида касалланиш кўрсаткичлари тобора камаймоқда.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Қарор ва ижро

ГАЗ ЎЛЧАГИЧ

тежамкорликни таъминлайди

Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли хонадонларига газ ўлчагич мосламаларини ўрнатиш бўйича қарори жойларда «Зангори олов»ни тежашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пайариқ туманида ҳам бу борада муайян ишлар қилинди. Натижада аҳоли пунктларининг 80 фоизи газлаштирилди.

– Илгарилари газ ёқилғиси ҳисоб-китоби қатъий йўлга қўйилмагани боис газ босими кескин пасайиб кетарди. Оқибатда чекка қишлоқларга газ умуман етиб бормасди.

— Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қароридан келиб чиқиб, ўтган йили баҳор ойидан бошлаб хонадонларга газ ўлчагич мосламалари ўрната бошладик. Чунки газ ҳисоблагич нафақат хонадон эгасига балки мамлакатимизда қимматли бойлик ҳисобланган «зангори олов»ни тежаш имконини беради, – дейди туман газ таъминоти идораси бошлиғи Абдураҳмон Умиров. – Бунинг учун 6 та махсус бригада тузилди. Улар ҳозиргача 24 минг 870 та хонадоннинг 12 минг 731 тасига ана шундай мосламани ўрнатди. Яқин келажакда қолган хонадонлар — туманимизнинг Навоий номли, Отақул Умаров номли Янгиобод ва Деҳқонобод ширкат хўжаликларидаги бир нечта аҳоли пунктлари газлаштирилади.

Газ ҳисоблагичнинг қулайлиги ва тежамлилиги хусусида Қизилховост қишлоғида яшовчи Шамши бобо Муродов шундай дейди:

— 2003 йил январ ойида хонадонимизда газ ҳисоблагич ўрнатилганди. Мана икки қишни ўтказдик. Бор йўғи 4 минг куб метр газ ёқибмиз. Илгарилари бундан икки баравар газни кўп ёқардик.

Шамши бобонинг гапини газ ҳисоблагич ўрнатган барча хонадон соҳибларидан эшитиш мумкин. Айни пайтда мазкур жамоада 155 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга катта эътибор қаратмоқда. Ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 50 минг сўмни ташкил этади. Жамоа шартномаси шартларига кўра ҳар бир ходимга бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Пенсияга чиқаётган ҳар бир ишчи ходим меҳнат стажига қараб моддий рағбатлантирилади. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан корхонада ишлаб кетган 4 нафар нафақахўрга моддий ёрдам кўрсатилди. Айни кунларда ишловчиларнинг соғлигини тиклашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача 10 нафар ишчи хизматчи республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олиб қайтди.

Гулом ХИДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

ЯНА ИККИ ҚЎШМА КОРХОНА

Вилоятда «Cotton Road» Ўзбекистон-АҚШ-Туркия ва «Косон ёғ экстракция» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхоналари ташкил этилди.

«Cotton Road» қўшма корхонаси пахтани қайта ишлаб, калава, мато ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қўшма корхонага айлантирилган собиқ «Косон ёғ экстракция» акциядорлик жамиятида эса ёғни замонавий усулда тозалаш ва қадоқлаш йўлга қўйилади.

ТОЛА – ЭКСПОРТГА

"Косон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти 2003 йилда қабул қилиб олинган пахта хомашёсининг сўнгги тонналарини қайта ишлашга киришди.

Корхона шу кунгача 56 минг тоннадан ортиқ пахтани толага айлантириб, хорижга экспорт қилди. Чет эллик экспертлар қарийб тўқсон фоиз маҳсулот сифатига юқори баҳо беришди. Пахтадан 34 фоиз тола ажратиб олинаяпти.

- "Бухоро-6" навининг сифати-ю, ҳосилдорлиги жуда эўр, истиқболи порлоқ экан, - деди корхона раҳбари Мамаюсуф Муҳаммадиев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Толамиз шитоб билан сотилмоқда. Бу йил мавжуд технологияларимизни қайта таъмирлай олсак, маҳсулотларимиз сифатини яна бир неча баробарга кўтаришга эришамиз.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Наманган вилоят филиали мамлакат ички молия бозорида фаол иштирок этиб келмоқда.

НАФАҚА ПУЛЛАРИ ЎЗ ВАҚТИДА

Хусусан, ўтган йил давомида банк даромадлилигини ошириш, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш, янги турдаги омонатларга пул маблағларини жалб қилиш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тарқатиш ҳамда кредит ҳисоб-китоб амалиётларининг бажарилишида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Мижозлар сони бурноғи йилга қараганда анча ўсди.

Бошқарув томонидан бир нечта янги турдаги қисқа муддатли, ютуқли омонат турлари жорий этилди. Оммавий ахборот воситаларида тарғиб этилиши натижасида аҳолининг омонат турларига қизиқиш ортиб бормоқда. Жумладан, «Наврўз совғаси» қисқа муддатли омонатига 25,7 миллион сўм, «Тақдим этувчига» омонат турига 66 миллион сўм ҳамда «Орзу» қисқа муддатли ютуқли омонатига 38,2 миллион сўм пул маблағлари жалб этилди.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар учун номинал қиймати 1000 ва 2000 сўмлик бўлган жамғарма сертификатлари муомалага киритилиб, вилоят бўйича жами 160 миллион сўмлик сотишга эришилди. Туман бўлимлари ва уларнинг жойлардаги 217 та шоҳобчалари орқали оилаларга 13 миллиард 358 миллион сўм нафақа маблағлари тарқатилди. Ўтган йил якунига кўра нафақалардан бўлган қарздорликни барча шаҳар ва туман бўлимлари томонидан тўла якунланди.

Бултур савдо ва коммунал тўловлар, сафарбарлик каби тушумларни кўпайишига жиддий эътибор қаратилди. Савдо тушуми ҳар ойда 248,9 миллион сўмни ташкил этди. Коммунал тўловлари 88,4 фоизга ўсишга эришилди. 2004 йил январ ҳолатига умумий кредит қўйилмалари 404 миллион 432 минг сўмни ташкил этади. Хўжалик субъектларига берилган кредитлар қолдиғи 279 миллион 462 минг сўмга етказилди. Жисмоний шахсларга 46 миллион 584 минг сўм, хўжалик юритувчи субъектларга эса 294 миллион 957 минг сўм қарз берилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига фонд маблағлари ҳисобидан 154 миллион 207,4 минг сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағнинг мақсадли ишлатилиши таъминланди. Яъни туман филиаллари томонидан ажратилган имтиёзли кредит ресурсларининг сарфланиши назорат қилиб борилди ва кунлик мониторинг ташкил қилинди.

Вилоят кредит қўмитаси томонидан молиявий барқарор мижозларга қарз ажратиш масалалари ҳам атрофлича ўрганиб чиқилиб, уларга банкдаги бўш ресурслар доирасида қарз берилди. Бунинг натижасида 570 та ишчи ўринлари яратилди. «Меҳр ва мурувват йили» мунсосабати билан вилоят бўлими томонидан бир қатор хайрли ишлар қилинди. Жумладан, вилоятдаги якка-ёлғизлар, ногиронлар Қумрихон Инамова, Хайрулло Иминжановларга хайит байрами арафасида 20 минг сўмдан маблағ хайрия қилинди. Бундан ташқари, ногиронларга уйига совға-саломлар топширилди.

Халқ банки оталиғига олган «Сардоба» маҳалла фуқаролар йиғинига ҳамда кекса, ёлғиз нафақахўр Р.Баришевага хайрия сифатида турли газеталарга обуна қилинди. Бундан ташқари, «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармасига Халқ банки ходимлари ўз маблағлари ҳисобидан ярим миллион сўмдан ортиқ пул ўтказиб, бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамғармасига 400 минг сўм ўтказилди.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

ХЎЖАЛИК

уй қуриб берди

Тошлоқ туманидаги «Яккатут» ширкат хўжалигида узоқ йил дурадгор-уста бўлиб хизмат қилган Маъмуржон Тўйчиев бетоб бўлиб ҳаётдан эрта кўз юмди.

Етти нафар фарзанд тарбиясига оила бекаси бош бўлиб қолди. Тўнғич ўғлига уй-жой қуриш, бошқаларини уйлаш ташвишидан оиладагилар бироз қийналиб қолганлигини кўрган ширкат хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси уста оиласига кўмакка келди. Хўжалик ер ажратиб, икки хонадан иборат уй, бир айвонини ўз ҳисобидан қуриб берди.

Савоб

Ширкат хўжалигида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий дастур қўламлари ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг ўзида «Уч олиш» маҳалла аҳолисига замонавий медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, аҳоли узоғини яқин қилиш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида қишлоқ врачлик пункти қурилиши бошлаб юборилди. Бошқарув раиси Содиқжон Имомалиевнинг айтишича, 50 миллион сўмдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, янги иншоот мустақиллик байрами бўсағасида фойдаланишга топширилади.

Фақат бугина эмас, ҳозирнинг ўзида хўжалик далаларида меҳнат қилаётган аёлларни соғломлаштириш мақсадида илғорлардан 36 нафари Яккатут қишлоғидаги сиҳатгоҳда бепул дам олдирилди. Айни кунларда яна 50 нафардан ортиқ аёлларни соғломлаштириш борасида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, баҳорги экиш ишларини биринчи бўлиб сифатли якунлаб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилган пудратчилар бир бош қўй ва 100 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Унумли ва сифатли иш бажарган ҳар бир механизаторларга эса бир тоннадан буғдой берилади. Меҳнаткашга ғамхўрлик кўрсатилган жойда иш ҳам юришади. Ширкат хўжалигидаги 445 гектар пахта майдонига қадалган уруғлар бўй кўрсатиб қолди. Хўжаликдаги 11 та дала шийпони ишчи-хизматчи, механизаторларнинг ҳақиқий оромгоҳига айланган. Ҳар бир бош пудратда бепул тушлик ташкил қилинган, дала шийпонларига ажратилган 15-20 сотихли чорбоғда ишчи-хизматчилар кундалик эҳтиёжлари учун керакли бўлган картошка, сабзи, пиёз, помидор экилган.

Хўжаликда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозиргача 13 минг туп турли манзарали, 16 минг туп тут ва 10 минг туп терак кўчатлари экилиб, парваришланмоқда.

Р.КАМОЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозиргача мазкур ўқув муассасалари 27 миллиард сўмликдан зиёд мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси билан таъминланди.

ТАЪЛИМ ВА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ

Энди ана шу жиҳозлар, айниқса, компьютер имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Интернет тармоғига уланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўқувчилар билим савиясини юксалтиришни талаб қилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, германиялик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига кўмак /Ахборот технологиялари/» лойиҳаси шу мақсадга йўналтирилган. Умумий қиймати 8,6 миллион Евродан иборат ушбу лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш соҳасига ихтисослашган ўнта касб-ҳунар коллежини ўз ичига олган.

Лойиҳага биноан замонавий стандартлар асосида соҳага ихтисослашган мутахассислар тайёрланмоқда.

БАХТСИЗ ҲОДИСАГА КИМ САБАБЧИ?

Меҳнат муҳофазаси «Ишонч» назоратида

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилган.

Аммо айрим раҳбарлар томонидан меҳнатни муҳофазалашга совуққонлик ила қаралаётганлиги ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш пайсалга солинаётганлиги кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқараяпти.

Қашқадарё пармалаш ишлари бошқармаси бурғуловчи ёрдамчиси 26 ёшли С.Холлаков эҳтиётсизлик туфайли оғир тан жароҳати олди. Шунингдек, Қарши шаҳридаги «Гулнора» болалар боғчаси ишчиси Д.Султонова, «Китобсувқурилиш» масъулияти чекланган жамият ишчиси К.Воитов, шу тумандаги темирбетон буюмлари заводи оператори Н.Одилов, «Варганза» ширкат хўжалиги ишчиси М.Азизовлар иш жойида қаттиқ жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолишди.

Айрим корхоналарда одамлар бошқараётган машина механизмлар, автоматик ҳимоя воситаларининг созлиги устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Шунинг учун ҳам Қарши шаҳридаги «Дельфин» хусусий фирмаси электр монтажчиси, ўттиз ёшли Д.Прояев оғир жароҳат олиш натижасида ҳаётдан кўз юмди.

Лоқайдлик ва эътиборсизлик Қарши механизациялашган қурилиш бошқармаси шўъба корхонаси ишчиси И.Раҳматов, «Қашқадарёсавдо» акционерлик жамиятига қарашли «Комплексмаркет» корхонаси ишчиси О.Тўраев, «Косонёғэкстракция» очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчиси Ш.Атаевларнинг умрига зомин бўлди.

Қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилинмаяпти. Миришкор туманидаги »Миришкор» қишлоқ хўжалик кооперативи ишчиси Р.Полвонов, Шаҳрисабз туманидаги «Кеш» очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчиси Х.Олмосов, Амир Темур номли ширкат хўжалиги пудратчиси Т.Авазов, Жўра Элбоев номли ширкат хўжалиги ишчиси У.Раҳматуллаев «Ҳисоракгидросувқурилиш» трести ишчиси А.Алиев кабилар ҳам бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан кўз юмишди.

Ишлаб чиқариш корхоналарида Меҳнат Кодекси ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрларни бузишда айбланган раҳбар шахслар маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳамма субъектларда ходимлар учун қулай иш шароити яратиб берилиши, улар меҳнати муҳофаза қилиниши керак. Бироқ, Нишон туманидаги Ҳамза номли фермерлар уюшмаси ишчиси А.Сафаров пайтида кечаси билан ишга жалб этилган. Натижада у трактор тележкаси устидан йиқилиб тан жароҳати олди.

Абдулла Қодирий номли фермерлар уюшмаси тракторчиси У.Маҳмудовнинг айби билан Қарши бош канали бошқармаси ходимлари миниб кетаётганда гуруҳий бахтсиз ҳодиса содир этилди.

Бундан уч йил муқаддам Деҳқонобод тумани «Қашқадарёнинг 50 йиллиги» хўжалиги ҳайдовчиси А.Қултоев ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олиб, вафот этган эди. Ҳозирги пайтда «Нурли келажак» номи билан аталадиган бу хўжалик Нишон тумани тасарруфига ўтган. Лекин, А.Қултоевнинг қарамоғида бўлган вояга етмаган оила аъзолари қонунда белгиланган товон пулларини ҳозиргача олишган эмас.

Қашқадарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари томонидан 303 та корхона ва ташкилотда текширишлар ўтказилди. Оқибатда 3000 дан ортиқ меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоида, меъёрларнинг бузилиши аниқланган. Мавжуд нуқсонлардан 2500 таси бартараф этилди.

Амалдаги қонунчилик талабларини бузганликлари учун 166 та мансабдор шахсларга маъмурий чора кўрилиб, 4 нафари вазифасидан озод этилди. 20 нафар кишига интизомий жазо чоралари кўрилди. 142 нафар жавобгар шахсларга 1 миллион 974 минг сўм миқдорида жарима қўлланилди.

– Ишлаб чиқаришда 43 та бахтсиз ҳодиса рўйхатга олинган, – дейди бошқарма меҳнат муҳофазаси ва экспертиза бўлими бошлиғи Т.Борисова. – Шундан 19 таси ўлим билан тугаган, 24 киши оғир тан жароҳати олган. Бундан ташқари ходимларимиз томонидан корхона ва ташкилотларда яширилган 10 та бахтсиз ҳодисалар ҳам аниқланди.

Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳақидаги Низомга биноан меҳнат фаолиятини йўқотишга сабаб бўлган ҳар бир шикастланиш ҳолларида 4 нусхада далолатнома тузиши ва бу хусусда махсус журналга қайд қилиб қўйиши керак. Лекин, бошқармага фақат 8 та далолатнома тақдим этилган, холос.

Меҳнат одамнинг шаклланиши ва ижтимоий ривожланиши, моддий бойликлар яратишнинг асоси ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир раҳбар ва мутахассис бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ўзини жавобгар, деб билмоғи керак.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

БИНАФША АТРИ

Ҳар бир ёзувчининг фаолиятида муҳим ўрин тутадиган ўз мавзулари, ғоялари бўлади. Ана шу мавзулар ўқувчининг, минглаб мухлисларнинг юрагидаги ҳаяжонлар, кўнглидаги изтироблар, хаёлидаги орзулар билан пайваста бўлиб кетса, ана шунда ёзувчи битган асарлар халқнинг маънавий мулкига айланади. Маънавий мулк эса халқнинг ўзи билан бирга наслдан-наслга, авлоддан-авлодга мерос бўлиб колаверади. Ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири Ҳамид Ғуломнинг «Машъал», «Тошкентликлар», «Мангулик», «Бинафша атри» каби асарлари ана шундай маънавий мулкимизга айланган.



Мен атоқли ёзувчимиз Ҳамид Ғулом асарларидаги хотин-қизлар образини чинакам зиёли, назокатли ва курашчан аёллар тимсоли деб биламан. Улар доимо маърифатга, катта ҳаётга, кенгликларга интиладилар. Юракдаги меҳр-муҳаббат қўрларини атрофдагиларга бахшида этишга чоғланадилар. Бундай фидойилик, жасорат айниқса, адибнинг «Машъал» романидаги Эъзозхон тимсолида яққол намоён бўлади.

У аёлларни чексиз ҳурмат билан тасвирлайди, оналик жозибаси, дилбарлиги, гўзаллиги, Аёл фазилатидаги маъсумалик, латифалик, ҳаётсеварликни адибимиз ғоят нафис чизгилар билан тасвирлайди. Чўлларга бинафша атрини олиб борган Инсон қадамларига мадҳия айтади у.

«Тошкентликлар» асари эса воқеалар қамрови, олижаноб талқинлари билан ўқувчига қадрдон бўлиб қолган.

Ҳамид Ғулом қаламига мансуб юзлаб қўшиқлар, унинг таржимасидаги қўплаб жаҳон ва қардошлар адабиётининг дурдона асарлари, қаҳрамонлари эл орасида машҳур бўлиб кетган. «Тошболта ошиқ» томошаси ёзувчининг ижод уфқлари кенглигини кўрсатади. Мухлисларга айтадиган гаплари шеърга сиғмаганда насрга қўл уриши, насрга сиғмаганда эса саҳнавий асарларга дадил мурожаат қилиши ёзувчининг кенг қиррали ижодкорлигидан далолатдир.

Ҳамид Ғулом «Шарқ юлдузи» журналига бош муҳаррир бўлиб ишлаган йиллари бу адабий нашр гуллаб-яшнаган, ўқувчилар давраси кўпайган, унинг ҳажми ҳам йигирма босма табоққа етган эди. Ёшларга ниҳоятда меҳрибон, уларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган Ҳамид Ғулом кўнгли кенг бош муҳаррирлардан эди. Ҳиммат ва саховати кўпларга ўрнак эканлиги сир эмас. Ҳуда-беҳуда ходимларини тергайвермас, уларни ўз ихтиёрига қўйиб берар, ҳар гал навбатдаги соннинг режаси тузилаётганда, ходимларига янги мавзулар бериб, уларни рағбатлантирар эди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриётда бош раҳбар бўлиб ишлаган йиллари ҳам Ҳамид ака адабиётимизнинг чинакам жонкуяри, тарғиботчиси, ёш ижодкорларнинг ҳақиқий устози бўлиб, уларнинг китобларини кўп нусхаларда чоп эттиришда меҳр, илтифотини аямади. У ўнлаб ёш шоир ва ёзувчиларга оқ йўл тилаб, катта адабиёт майдонига олиб кирди. Катта анжуманларда, минбарларда жаранглатиб шеърлар ўқиганида, Ғафур Ғулом, Ойбек каби устозларнинг меҳрини қозонди.

Устоз Ойбекнинг 60 йиллик, унутилмас Шуҳрат аканинг 70 йиллик таваллуд айёмларида Ойбекнинг, Шуҳратнинг армон ва фахр тўла сўзларини ўқиб берганида, Ойбекнинг, Шуҳратнинг нидосини ҳалққа етказганида бутун халқ ҳаяжон билан тинглаган эди Ҳамид Ғуломни...

Ҳамид Ғулом ёнида сўлим, маъсума рафиқаси Манзурахон ая билан умр деб аталган синовларга тўла, машаққатли йўлларнинг саксон беш довонини босиб ўтибдилар. Умр деб аталган бу йўлнинг олтмиш олти довонини елкама-елка, бахту иқболини баҳам кўриб, зулматли кечаларда ҳамдард бўлиб, меҳнат ва ижоднинг қувончларидан кўнгли юксалиб бу ёруғ кунларга келишнинг ўзи бахт. Аллоҳ суйган бандаларига узоқ умр бахш этади. Мукаррамликка муяссар қилади. Яхши рафиқа билан сийлайди. Қобил ва доно фарзандларга ота бўлиш бахтини беради. Минглаб мухлисларнинг ихлосини ҳадя этади. Уни севиб тингловчи, даврага кирганда сийлаб тўрга ўтказувчи, ёзувчим деб улуғловчи она халққа сазовор этади. Боз устига кўнглини кўтаргувчи мукофотлар, унвонлар ҳам беради.

Сиз ана шундай сийловлар, рағбатлар ва эл-юрт эҳтиромига эришган улкан ёзувчимизсиз. Шогирдларингизга қилган барча яхшиликларингиз, эзгуликларингиз ўзингизга узоқ умр бўлиб қайтсин, муҳтарам Ҳамид ака. Зеро, сиз халқингизнинг меҳридаги Ҳамидисиз, юртингизнинг хизматидаги Ғуломисиз. Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АЗИЗ БОШИНГ ДОИМ БАЛАНД ТУТ

Манзил яқин, интил, карвоним,
Оғир йўлинг бехатар бўлсин.
Юкинг қутлуғ, дардим, армоним,
Бепушаймон, бекадар бўлсин!

Шу қут замин улуғ онангдир,
Унинг куйи - дил таронангдир,
Кенг далалар - ижодхонангдир,
Ёзганларинг шоҳ асар бўлсин!

Ер юзини кездим, сен қадар,
Матонатда сенга баробар
Фидоийни кам кўрдим, агар,
Тупроқ олсанг, олтин-зар бўлсин!

Сен эгилсанг букилар белим,
Сен қийналсанг эзилар дилим,
Баланд кўтар қаддингни, элим,
Тоғлар билан баробар бўлсин!

Чиройлисан, Ўзбекистоним,
Булоқлардай тиниқ жононим,
Бахт йўлига чиқди давроним,
Ёмон кўздан алҳазар бўлсин!

Ўтган кунлар бўлмасин унут,
Ҳақни сўзла, сақлама сукут.
Азиз бошинг доим баланд тут,
Истиқболинг муқаррар бўлсин.

Сенинг фахринг олтин карвонлар -
Қанча заҳмат, орзу, армонлар
Сенга фақат келтирсин шонлар,
Саодатинг мунаввар бўлсин.

Меҳнатингнинг маҳсули ҳалол,
Элинг учун ҳам нон, ҳам қурол,
Қандингни ур, халқим, безавол,
Фарзандларинг музаффар бўлсин.

Умр бўйи ўйлаганларинг,
Достонларда сўйлаганларинг,
Қўшиқларда куйлаганларинг,
Элим, сенга мўътабар бўлсин!

БУЛОҚ

Тиниқликда мусаффо кўзгу,
Ширинликда бамисоли лаб,
Тоғ бағрида тошлар оралаб
Қайнаб ётар бир тегирмон сув...

Шу булоқдан чанқоғим қонди,
Олис боқдим ярқирашига.
Қулоқ солдим шарқирашига,
Дилда шундай ҳавас уйғонди:

Менинг шеърим булоғидан ҳам
Одамларнинг чанқоғи қонсин,
Дилларида ҳавас уйғонсин
Шу чашмадек туганмас, кўркам!

ТАЪЗИМ

Ёшлиқдагидай соз уравер, юрак,
Мен ҳали кўп йиллар яшашим керак.
Сабабки, чин даврон энди бошланди,
Халқимга шараф-шон энди бошланди.
Эзгу мақсадим: эл камолин кўриш,
Юртимнинг беқиёс жамолин кўриш.
Белни маҳкам боғлаб, ким шимарса енг,
Унга саодат ёр, унга олам кенг.
Кимки, Ўзбекистон деса – тилда бол,
Кўксини тоғ қадар кўтарар иқбол.
Минг фазилат берган Аллоҳ инсонга,
Ҳам оддий фуқаро ва ҳам султонга.
Шу минг фазилатнинг тожи Вафодир,
Халқим, сен улуғсан, сен бунга қодир.
Садоқат бошингда нурли қуёшинг,
Дилдан фахрланар азиз Юртбошинг.
Аллоҳ умр берсин ҳар бир одамга,
Ҳар бир одам келгач нурли оламга.
Ишқ, вафо умрбод йўлдоши бўлсин,
Эрк бошида нурли қуёши бўлсин.
Эрк ғояси бўлган халқ фарзандиман,
Навоийси бўлган халқ фарзандиман.
Халқ улуғ, халқ жўшқин дарёйи азим,
Халқ шонли даргага қилади таъзим.
Алқисса, мақсадим: умр кўрайин,
Авлодим сафида мен ҳам юрайин.
Сабабки, чин даврон энди бошланди,
Халқимга шараф-шон энди бошланди.

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Ҳарбий кисмларнинг тавсияномаси билан ўқишга кирганларга қандай имтиёзлар бор?

Ҳ.ҲАСАНОВ,
Ургут тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг муддатли ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги 1994 йил 3 октябрдаги 496-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшиш имтиёзи берилади. Ушбу имтиёз олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишларига жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 227-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига қабул қилишда тест синовларида улар йиққан балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 20 фоизини қўшиш имтиёзи берилади. Ушбу имтиёз Мудофаа вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқлаган таълим йўналишлари ва олий таълим муассасаларига жорий этилади. Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ушбу тоифага кирувчи абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда белгиланган шакллар бўйича Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига кундузги ва сиртқи бўлимлар учун 1 августда тақдим этадилар.

САВОЛ: амалдаги конунчиликка биноан 130 та ўқитувчига битта методист штати бериладими? Бизга йил давомида сафар харажатлари қанча миқдорда тўланиши керак?

Э.ЭГАМҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 июндаги №2009 Фармони билан киритилган ўзгаришлар ҳамда Вазирлар Маҳкамсининг 1998 йил 12 июндаги №247-рақамли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг 1996 йил апрел ойида тасдиқланган тариф коэффициентлари бўйича вилоят, шаҳар, туман (метод) услубчи кабинетлари раҳбарлари 10-разряд, унинг ўринбосари 9-разряддан юқори, олий тоифали методист 9-разряд, I тоифали методист — 8-разряд, II тоифали методист — 7-разряд асосида иш ҳақи билан таъминланади.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг сафар харажатлари кундалиги энг кам ойлик иш ҳақининг 10-фоизи миқдорида тўланади.

Шахрисабз "Дон – халқ ризқи" акциядорлик жамиятида "Меҳр ва мурувват йили" дастурига кўра талай тадбирлар амалга оширилмоқда.

БУ ҲАМ МУРУВВАТ-ДА

Жорий йилнинг биринчи чорагида жамият бошқаруви ва касаба уюшмаси ҳамкорликда меҳнаткашларга тўй, туғилган кун, фарзанд кўриш, дафн ,маросимлари учун иш ҳақи сақланган ҳолда меҳнат таътиллари, ўн бир ходимга эса саломатлигини тиклаш учун қарийб икки юз минг сўм моддий ёрдам пули, яна икки нафар ходим тўй-маъракалари учун қирқ уч минг сўм, Наврўз байрамини нишонлашга бир миллион олти юз минг сўм, жамият аъзоларини спорт мусобақаларига жалб этишга уч юз минг сўм, корхона даромади ҳисобидан икки нафар ишчига болалар нафақаси учун саксон етти минг сўм сарфланди.

- Бу ишларимиз арзимас кўринсада, бари-бир мурувват-да, - деди жамият касаба уюшма ташкилоти раҳбари Х.Исломов. – Бундан ташқари, туманимиздаги 101-сонли ўрта умумтаълим мактабида таҳсил олаётган ногирон ўқувчиларга йигирма олти килограмм печене маҳсулоти, кўзи ожизлар муассасасига ва Сариосиё маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларга икки қопдан ун тарқатдик.

"Туркистон-пресс"

КАНАЛ БЎЙИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Бу турфа ҳаётнинг такрорланмас ўнгирликлари кўп. Гох меҳр кўргазса, гох шафқатсизлик килади. Урганчлик Гулнора Каримова болаликдан туғма ногиронликка кўникди. Нуксонини ҳеч кимдан яширмади. Кандай бўлса, шундайлигича одамлар коригa ярашга интилди. Чеварликни касб килиб, маҳалла ва кўни-кўшнилар ҳожатини чиқарар, кези келса дугоналарини ҳам тикиш-бичишга ўргатар, уй ишларида ота-онасига кўмаклашарди. Мусиқа, айникса, мумтоз куй ва кўшиклар унинг жони-дили эди. Бирок гулдай очилган чоғида ҳазон бўлди.

...Отасининг қистовига қарамай Гулнора бозорга йўл олди. Кўзига яхши кўриниб, керагидан кўп нарсаларни харид қилганини кейинроқ сезди. Бир пасда ҳолдан тойди.

– Келинг, синглим, ёрдамлашиб юборай, — бу илтифот унга хуш ёққанди. Йўл-йўлакай танишиб ҳам олишди.

– Ёрқиной Отажонова бўламан, тижорат ишларни касб қилганмиз, – дея ўзини танитди, у. Гулноранинг соддадиллиги, самимий ва беғуборлиги, энг муҳими, тақинчоқ ва зираклари Ёрқинойнинг эътиборидан четда қолмаганди. Кўнглига келган шум ният уни янада яқинроқ билишга ундарди.

– Кун қизиб кетди, бир пиёла чой ичиб кетсангиз яхши бўларди, – Гулноранинг бу таклифи қабиҳ режани амалга ошириш учун хонадонларига яқинроқ бўлиш имконини берганди. У хонадонга жуда кўп келди. Бунда неки бўлса барчасини, ҳатто кўни-кўшниларни ҳам миридан-сиригача ўрганди. Орани яқин қилиш мақсадида бир-икки бор уларни ҳам ўзи истиқомат қиладиган уйга таклиф этди.

– Тенги чиқса, текинга бер, деган гап бор халқимизда, — гап бошлади бир куни Ёрқиной Гулноранинг онасига . – Ёши йигирмага тўлаяпти, жойи чиқса, узатинг.

Бу лутф, табиийки, онаизорга ёкди. Ўзининг ҳам шундай нияти борлигини айтди.

– Гулнора қани, – орадан учтўрт кун ўтказиб ҳовлиқиб кириб келган Ёрқиной саволига жавоб олмаёқ ўзини ичкарига урди.

– Тинчликми, қизим!

– Тинчлик, ҳаммаси жойида. Аммо тўйда энг яхши сарпони менга кийдирадиган бўлдингиз, қизингизга куёв топдим. Юқорида – Тошкентда, мартабали лавозимда ишлайди. Эртага бориб яхшилаб гаплашиб келаман. Учрашиб оласизлар, маъқул келса, тўйни бошлаб юбораверасиз.

— Вой, бўйингизга қоқиндиқ. Айланай сиздан, бош-оёқ сарпо кийдим деяверинг.

Ёрқиной қўлга олган жиловни янада қаттиқроқ тортди.

– Бугун соат тўртда Жалолиддин Мангуберди боғида учрашасизлар, — деди у Гулнорага буйруқомуз, — чиройли кийиниб ол, тақинчоқларинг эсдан чиқмасин, улар сени янаям очиб юборади.

Йўлда гаплашиб боришар экан, бирдан тўхтади.

— Эсим қурсин, бир нарса ёддан кўтарилибди, – дея Гулнорани ўз уйига бошлади. У ён-буён ивирсиган бўлди-да, олдиндан тайёрлаб қўйилган уйқу дори солинган графинни қўлига олди.

– Чанқаган бўлсанг керак, мана бу сувни ичиб ол, юрак тафтини босади...

Орадан ҳеч вақт ўтмай улар шаҳар марказидан ўтувчи «Шовот канали» бўйига етиб келишди.

– Шу ерда бир пас дам олайлик, ҳали вақт эрта, – дея уни ўтиришга таклиф қилди. Ҳаш-паш дегунча уйқу дори ўз таъсирини кўрсатди. Вақтни ғанимат билган Ёрқиной аввал Гулноранинг тақинчоқларини, сўнг эгнидаги кийимларини ечиб олиб, ўзини шовуллаб оқиб турган сувга ирғитди. Беш-ўн дақиқа ўтса-да, сув қаъридан садо чиқмагач, кўнгли «хотиржам» ўз уйига равона бўлди.

Ўша куни кечки пайт Гулнораларникига бориб, учрашув кутилганидан-да яхши ўтганлигини, айни пайтда икки ёш Хива шаҳрига — йигитнинг холасиникига кетганлигини, эртага кеч томон қайтиб келишлигини айтиб, хотиржам чиқиб кетди.

Орадан тун ва кун ўтди, лекин Гулнорадан дарак йўқ эди. Хавотирга тушган ота-она Ёрқинойникига бир неча бор боришди, аммо бир хил жавоб: қизингиз бўлажак куёв билан Тошкентга кетишибди. Тўй харажатларини қилиб, бир ҳафтадан сўнг қайтармиш, деган жавобни эшитиб, ишониб ишонмай ортга қайтишди.

Шаҳар ички ишлар бошқармасининг тезкор гуруҳи ходимлари бемаҳалда Б.Каримов (Гулноранинг отаси)ни йўқлаб келишгандагина шўрликлар юз берган фожеанинг тагига етишди.

Фирибгар-қотил узоққа қочиб кетолмади. Тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди. Шу ўринда унинг асл қиёфасига ҳам бир тўхталсак. Қўшкўпирдаги мактаблардан биринитугатган. Сўнг Хива шаҳридаги тиббиёт билим юртида ўқиб, курсдошлари соҳа сирларини мукаммал ўрганаётган бир пайтда, у талабаликни олди-сотдидан, фирибгарликдан бошлади, яъни дугоналарининг у-бу нарсаларини қарзга олиб, бошқа бировга пуллаб кун ўтказди. Алининг

Алҳазар!

тўнини Валига кийгазди, кўпчиликни чув туширди. Текин даромад топиш йўлида ҳатто ҳамхоналарини ҳам аямади. Масалан, Сайёра Рўзметова, Муҳайё Нуриллаева, Лайло Мадаминова каби талабалар уч миллион сўмлик тилла тақинчоқларини ўз қўллари билан унга тутқазиб, мум тишлаб қолавериштди.

Охир-оқибатда унинг жиноий қилмишлари фош бўлиб, Хива туман судининг 2002 йилдаги ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилди. Лекин ёш боласи борлиги сабабли ҳукмнинг ижросини таъминлаш кечиктирилди. Чиқмаган жондан умид, воқеаларнинг бу тақлит кечишини кўрган онаси «қарзлардан қутилсанг, сени авф этишар», деган мақсадда яшаб турган уйини сотиб, пулни Ёрқинойнинг қўлига тутқазди. Орадан ҳеч вақт ўтмай, у яна жиноятга қўл урди. Гулноранинг умрига завол бўлди.

Шу ўринда бир савол кишини ўйлантиради. Наҳотки, шунчалик бепарво, эътиборсиз бўлиб қолган бўлсак. Корхонада ишлаймиз, бир-биримизни иш юзасидан биламиз, лекин ҳамхонамиз ким, нима дарди бор, ҳаётни қандай англяпти, қизиқмаймиз. Ёхуд маҳалладаги кўча бошида уч-тўрт нафар ёшлар эртадан-кечгача чордана қуриб ўтиришади, нега, деб қизиқмаймиз. Гулнора ҳам қотиллик қурбони бўлганида даставвал унинг илк сабабчиси худди шу бепарволик эмасмикин? Ваҳоланки, юқорида таъкидланганидек, воқеа жойи овлоқроқ ёки пана-пасқамда эмас, куппа-кундузи шаҳарнинг қоқ марказида – Шовот канали бўйида содир этилган. Ҳеч ким кўрмаган, дейишга асло асос йўқ.

Нега, нима учун, деган саволлар селдай қуйилиб келаверади, жавоб эса битта: яна ўша бепарволик, эътиборсизлик...

Азимжон КУРБОННИЁЗОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судьяси,
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ: НАСТУПЛЕНИЕ ДАТЫ ЗАКРЫТИЯ РЕЕСТРА ОАО "5-ТАКСИСАРОЙ"

Порядковый номер сообщения - 07.

- дата принятия агентом решения - 19 апреля 2004 г.;
- дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг - 20 марта 2004 г.

РЕШЕНИЯ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО "5-ТАКСИСАРОЙ"

Порядковый номер сообщения - 09.

- вид общего собрания - очередное годовое;
- форма проведения общего собрания - очная;
- дата проведения общего собрания - 19 апреля 2004 г.;
- место проведения общего собрания - г. Ташкент, ул. Арнасай 7 а;
- кворум общего собрания - 59040 акций - 80,9%;
- вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним;

1. Отчет Председателя Правления о финансово-хозяйственной деятельности ОАО за 2003 г.
Голосовали: за - 99,90%, против - нет, воздержавшихся - нет.
2. Утверждение баланса предприятия на основании Заключения аудитора.
Голосовали: за - 99,90%, против - нет, воздержавшихся - нет.
3. Утверждение Заключения Ревизионной комиссии.
Голосовали: за - 99,90%, против - нет, воздержавшихся - нет.
4. Распределение чистой прибыли по итогам 2003 г.
Голосовали: за - 99,10%, против - 0,9%, воздержавшихся - нет.
5. Утверждение бизнес-плана на 2004 г.
Голосовали: за - 99,80%, против - 0,2%, воздержавшихся - нет.
6. Утверждение аудитора на 2004 г.
Голосовали: за - 99,90%, против - нет, воздержавшихся - нет.
7. Отчет Наблюдательного Совета за отчетный период.
Голосовали: за - 99,90%, против - нет, воздержавшихся - нет.
8. Выборы Наблюдательного Совета ОАО.
Голосовали: за - 99,90%, против - нет, воздержавшихся - нет.
9. Выборы Председателя Правления ОАО.
Голосовали: за - 99,80%, против - 0,2%, воздержавшихся - нет.
10. Выборы Ревизионной комиссии ОАО.
Голосовали: за - 97,10%, против - 2,9%, воздержавшихся - нет.
11. Заключение контракта с Председателем Правления на 2004 г.
Голосовали: за - 99,80%, против - 0,1%, воздержавшихся - нет.
12. О вознаграждении членов Правления, Наблюдательного совета, Ревизионной комиссии, утверждение сметы расходов.
Голосовали: за - 99,70%, против - 0,3%, воздержавшихся - нет.
13. О вхождении ОАО "5-Таксисарой" в состав АК "Ташгорпасстранс".
Голосовали: за - 99,20%, против - 0,8%, воздержавшихся - нет.

Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

1. Утвердить годовой отчет и финансовые результаты ОАО "5-Таксисарой" за 2003 г.
2. Утвердить баланс предприятия за 2003 г.
3. Утвердить Заключение Ревизионной комиссии.
4. Утвердить распределение чистой прибыли по итогам 2003 г. и направить на развитие производства.
5. Утвердить бизнес-план на 2004 г.
6. Утвердить на 2004 г. в качестве аудитора ОАО ЧФ "АММ-АУДИТ".
7. Утвердить отчет Председателя Наблюдательного совета ОАО.
8. Утвердить новый состав Наблюдательного совета ОАО на 2004 г.
9. Назначить руководителем исполнительного органа Р.С.Сабирова и заключить с ним контракт на 2004 г.
10. Утвердить состав Ревизионной комиссии на 2004 г.
11. Утвердить размер вознаграждения членам Наблюдательного совета - ежемесячно - 2 МРОТ, членов Правления ОАО - 1 оклад по итогам года, Ревизионной комиссии - 0,5% от чистой прибыли по итогам года.
12. Постановили войти в состав АК "Тошгорпасстранс".

Изменения в персональном составе Должностных лиц ОАО "5-Таксисарой"

Порядковый номер сообщения - 10.

- орган управления эмитента, в котором произошли изменения - Наблюдательный совет;
- фамилия, имя, отчество избранного лица и лица, полномочия которого прекращены;
- выбраны:

Исмаилов Б.У.	СП "Миссисипи"	25%	18374 акций
Шоабдурахимов Ш.Ш.	ИФ "Капитал-Инвест"	15%	11580 акций
Абдул-Ахадон А.	ОАО "Узавтотрансбутлаш"	5,7%	4167 акций
Хасанов И.И.	акционер ОАО		1065 акций
Ибрагимов Б.Т.	Пред.Профкома ОАО		31 акций
Багбеков А.Д.	ОИФ "Ишонч"	7,5%	5512 акций
Алаев А.Т.	ОИФ "Хамрох-Инвест"	17,5%	7350 акций

- выведены:

Помрик Т.	гос.доли	25%	18374 акций
Мусаев А.	акционер ОАО		435 акций

- уполномоченный орган, принявший решение - общее собрание акционеров
- дата, в которой произошли изменения - 19 апреля 2004 г.

Репродуктив саломатлик

ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ

Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Нукус филиали клиникаси бош шифокорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Серигул Бозоровани Оролбўйи аёллари яхши билишади. Қалби дарё, меҳри дунё тажрибали шифокор назарий билимларини амалда татбиқ этиб, юзлаб оналар ва болаларга ҳаёт бахш этган. Ҳар йили минглаб аёл даволаниб чиқаётган муассасада юзлаб акушер-гинеколог, болалар врачлари туғилажак ва туғилган болалар соғлиғи йўлида парвона.

– Ҳар бир аёлнинг жамият олдидаги шарафли бурчи, энг аввало, дунёга келган фарзандини ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом кишилар қилиб тарбиялашдан иборат, – дейди шу илмий- текшириш институти шифокори, Ўзбекистон Қаҳрамони Аниса Саидова. – Бунинг учун ишни турмушга узатилаётган қизларни она бўлишга тайёрлашдан бошлаш керак.

Республикада 14 ёшгача болалар 525 минг нафардан ортиқ. Уларнинг 31 мингтасини 6 ёшгача ўғил-қизлар ташкил этади. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга Қорақалпоғистонда қандай эътибор берилаяпти? Масалани ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, аҳолисининг ярмидан кўпроғи 18 ёшгача болалардан иборат Оролбўйида мураккаб экологик шарт-шароитларга қарамай «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияни амалга ошириш борасида муайян ишлар қилинди. 15 мингдан ортиқ бола режали соғломлаштирилди. 496 минг бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Жисмоний ва ақлий нуқсони бор ўғил-қизлар учун 5 та махсус мактаб очилди. Меҳрибонлик уйларига ҳомийлар бирикитиб қўйилди. Биргина Хўжайлидаги болалар уйига 200 дан ортиқ ҳомийлар 19 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатишди.

«Болалар» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими директори Ж.Танибергановнинг айтишича, Меҳрибонлик ва гўдаклар уйларига 300 минг сўмлик кийим-кечаклар тақдим этилди. 3-мактаб-интернатда тарбияланаётган 150 нафар болакайларга қарийб ярим миллион сўмлик совға-саломлар тарқатилди. «Орол оналари ва болалари» экологик шанбалиги, «Болалар хайр-саховат марафони» каби тадбирлардан тушган маблағ меҳр-саховат ишларига сарфланди. Тахиатош шаҳрида яшовчи 50 нафар етим - есирларга 300 минг сўмлик спорт кийим-кечаклари тақдим этилди.

Жамғарма томонидан 14 ёшли Асилбек Дўсов ва Маҳмуд Ҳожибоевларга ногиронлик аравачаси, Тахиатош шаҳрининг «Гўдаклар уйи» тарбияланувчиларига 260 минг сўмлик кийим-кечак ва дори-дармонлар берилди.

«Она ва бола» давлат дастури асосида Мўйноқ, Чимбой, Кегайли, Қўнғирот, Қораўзак, Тахтакўпир, Хўжайли, Қонликўл, Шуманай, Бўзатов, Нукус туманлари, Нукус ва Тахиатош шаҳарларидаги болалар шифохоналари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Халқаро ЮНИСЕФ дастури асосида бажараётган амалий ишлар, «Экосан» жамғармаси уюштирган «Саломатлик поездлари», халқаро «Чегара билмас шифокорлар» гуруҳи хотин-қизлар орасида камқонликнинг олдини олиш, болаларда витамин етишмаслиги ва йод танқислигини бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Профессор У.Атаниёзова бошчилигидаги «Перзент» нодавлат ташкилоти таълим, тиббиёт, экология масалалари бўйича кенг кўламли ишларга бош-қош бўлаяпти. Ташкилот аҳоли орасида давлат идоралари билан рақобатлаша оладиган мавқега эришган. Асосий эътибор аҳолини тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, болалар ва оналар ўлимининг олдини олиш, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш, беморларни ДОТС дастури орқали бепул дори ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган.

Республика марказидаги поликлиника врачи Аллаёр Дўстназаров, Қораўзак марказий касалхона шифокори Несебила Ўринбоева, болалар шифокори, тиббиёт фанлари доктори, «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган врач» Айтқали Эргалиев каби юзлаб меҳрибон тиббиёт ходимлари болалар соғлиғини муҳофазалашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 6 июндаги 256-қарори асосида Оролбўйида «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилаяпти. Япония гранти, Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан «Саломатлик» дастури доирасида Фарғона, Сирдарё, Навоий, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофазалашни кучайтириш кўзда тутилган. Ўтган уч йил ичида Жаҳон банки кредитларидан Оролбўйига 732 миллион 845 минг 969 сўмлик тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар харид қилинди. Шифокорлар учун 17 та ЭКГ ва наркоз ҳаво бериш ускуналари, 17 та акушер-гинекологик тўпламлар сотиб олишга 142 миллион 217 минг сўм маблағ сарфланди.

Аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайдиган Амударё, Тўрткўл ва Хўжайли туманлари туғруқхоналари замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. Туман шифохоналари таъмирдан чиқарилиб, янги ускуналар ўрнатилди. 81 минг АҚШ доллари сарфланиб, 17 та санитар машинаси, қишлоқ врачлик пунктларига 20 минг АҚШ доллари миқдорида 101 турдаги тиббиёт анжомлари олиб келинди. Лабораториялар учун керакли мебеллар, рентген плёнкалари ва бошқа керакли жиҳозлар сотиб олинди.

Европа Иттифоқининг Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган махсус дастурига мувофиқ клиника ташҳис, санитария-эпидемиология назорати маркази лабораториялари учун 200 минг евролик тиббиёт ускуналари келтирилди.

– «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш ҳақида»ги Қонун талаблари асосида тиббиёт хизматни юксак даражага кўтариш асосий вазифа бўлиб турибди, – дейди «Саломатлик» лойиҳасини амалга ошириш раҳбари Б.Абдиманов. – Келажак авлоднинг баркамоллиги республикамизда истиқомат қилаётган 417 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар ва 282 минг нафар 15 ёшгача бўлган қиз болаларнинг саломатлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, даволаш-профилактика ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

...Оролбўйи овуллари. Ҳар бир оилада фарзанд туғилиши катта шодиёнага айланади. Мунис ва меҳрибон аёл бағридаги чақалоқ соғлом ва дуркун ўсса, саломат ва жисмонан бақувват камол топса, унинг келажаги янада нурафшон ва порлоқ бўлади. Гўдак табассуми тонгдай мангудир.

ЁЛҚИН

Андижон вилояти Булоқбоши туманида халқ саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар алоҳида ғамхўрлик қуршовига олинган. Жумладан, ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда ногирон ва якка-ёлғизлардан 200 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, муҳтожларга бепул муолажа кўрсатилди.

Суратда: бош шифокор Маҳамадсодиқ Турсунов шифокорлар билан; онахонлар поликлиникаси лаборанти Насибахон Умирзоқова.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар



Бор бўл, оқибат!

КЎЗЛАРДА МЕҲР НУРИ

Бу ерда ҳамма нарса етарли. Замонавий жиҳозлар, телевизор, видеомагнитафон, мазали таомлар, ҳар хил ширинликлар. Турфа хил ўйинчоқлар ва кўгирчоқлар... Меҳрибон шифокорлар болалар соғлиғини назорат қилиб туришибди.

... Фақат ота-она меҳри етишмайди. Кўзлар доимо йўлларда. Нигорон нигоҳларда қандайдир соғинч ҳукмрон.

Китобдаги гўдаклар уйида бир ёшдан тўрт ёшгача бўлган болалар тарбияланишади. Эндигина тўрт баҳорни қарши олган Сарвинознинг онасини соғиниб айтган шеърларини эшитсангиз, беихтиёр кўзингиз намланади. Бағри тош волиданинг мурғаккина жигаргўшасини ташлаб кетганига беҳад афсусланасиз. Қалбингизни туганмас ўкинч, беиз ачиниш қамрайди.

Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси жазони ўташ муассасаси ходимлари гўдаклар уйига ташриф буюриб, болалар аҳволидан хабар олдилар. Чиройли кийим-кечаклар, турфа хил ўйинчоқлар, ширинликлар ҳадя этдилар. Ҳомийларни куй ва қўшиқлар ҳамда баҳор гуллари билан кутиб олган кичкинтойлар кўнглида бир олам қувонч жўш урди.

– Жажжиларга боқиб, уларнинг қалбида муштоқлик ҳисларини сезиб олиш қийин эмас, – дейди бошқарма бошлиғи Содиқ Исломов. – Қани энди дийдаси тошдан ҳам қаттиқ ота-оналар кўнглига озроқ меҳр-шафқат келса?!

Нигорон кўзлар ҳамиша меҳр-муҳаббатга ташна. Ҳомийлар ёрдами гўдаклар қалбига озгина бўлса ҳам ёруғлик бахш этади.

... Фақат... фақат мунис онанинг меҳрибон эркалашлари, отанинг ширин сўзлари етишмайди, холос.

– Болалар ва қариялар уйларида яшаётганлар ҳолидан доимо хабардормиз, – дейди вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Мамамирзо Азимов. – Саховатпешалик ва эзгулик руҳига йўғрилган хайрли амаллар йил бўйи ўтказилади.

Жанубий Кореянинг «Аннури» халқаро хайрия ташкилотидан инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган кийим-кечаклар етим-есирлар ва ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга тақдим этилди. 22 та ногиронлик аравачаси тарқатилди. Меҳр ва мурувват йилининг биринчи чорагида бюджет маблағларидан 34 миллион сўм, ҳомийлар томонидан 100 миллион сўмлик маблағ хайрия ва мурувват ёрдами сифатида сарфланди.

Касби туманида бўлганимизда Алишер Навоий номли кооператив ширкат хўжалиги ишчиси Неъмат Ҳамроевни учратиб қолдик.

– Меҳр кўзда деб бежиз айтишмаган, – дейди Неъмат ака қувониб. – Хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг ҳиммати билан беш ёшли ўғлим Жавоҳирнинг қўлини ҳалоллаб олдим.

Меҳр-мурувват – ўлмас қадрият. Хўжаликда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 30 нафарига суннат тўйи ўтказилиб, бошдан оёқ кийим-кечак қилинди. Халқ банкида омонат дафтарчаси очилиб, ҳар бирига 10 минг сўмдан пул қўйилди. Зафар Ҳусенов, Ойбек Тўраев, Дилшод Йўлдошев, Диёрбек Баратов, Лазиз Тўрақулов каби тўйболаларнинг қувончини кўриб буюк истиқлолдан, мустақиллик келтирган рўшноликдан қалбинг тоғ қадар кўтарилади.

«Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонасида ишчи-хизматчининг 41 нафар фарзандлари хатна қилиниб, ҳар бирига банкда 15 минг сўмдан пул қўйилди. Ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Косон туманидаги «Болалар» ва «Меҳр-шафқат» жамғармаси, Шаҳрисабз, Китоб ва Чироқчи туман ҳокимликлари, Ғузордаги Ҳисоролди геология-қидирув экспедицияси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, қадимий ва ҳамиша навқирон Кешдаги «Шаҳрисабзконсерва» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ҳам меҳр-мурувват тадбирлари ўтказилди.

Чин қалбдан чиқадиган холис ва олижаноб, пок ниятлар ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар қайси инсоннинг юрагида акс садо бериб турибди.

И.ТИЛЛАЕВ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманидаги «Аранчи» аэродромида спортнинг радиобошқарув ва эркинучар авиамоделлари бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

АВИАМОДЕЛЧИЛАР

Беллашувларда элликдан зиёд спортчи иштирок этди.

Ю.Кисилёв, Г.Левентуль, В.Уцин, Д.Караулов ҳамда И.Диордиц каби авиамоделчилар ўз йўналишларида ғолиб бўлди.

Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар биринчи ўринни қўлга киритди.

РУСЛАН ШОҲСУПАДА

Тахиатош шаҳрида ўсмирлар ўртасида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги бошланди. Тўрт кун давом этадиган турнирда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан 140 спортчи иштирок этаяпти.

Тўққиз вазн тоифасида ўтказилаётган мусобақанинг дастлабки кунида 56 килограмм вазнда 15 спортчи силтаб ва даст кўтариш бўйича ўзаро беллашди. Жами 209,5 килограмм кўрсаткичга эришган фарғоналик спортчи Руслан Бердишев ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин 200,2 килограмм натижага эришган Тошкент вилояти спортчиси Лутфилло Сулаймоновга, учинчи ўрин 200 килограмм натижани қайд этган қорақалпоғистонлик Шуҳрат Қобуловга насиб этди.

(ЎзА)

ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ СПОРТ КОЛЛЕЖИ

чемпионлар масканига айланди

Фарғона шаҳрида қад ростлаган Олимпия заҳиралари спорт коллежи 350 нафар маҳаллий ёшларни ўз бағрига олди. Замонавий андозалар асосида қуриб битказилган мажмуада спортнинг 12 йўналиши бўйича мураббий-мутахассислар тайёрланади.

Умумий майдони 9 гектарни ташкил қилган маҳорат масканида вилоят ёшлари замонавий дастурда билим олишлари билан бирга, ўзлари танлаган спорт турларида малакали мураббийлар кўмагида амалий машғулотлар ўтказишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилган.

Бу ерда кенг кўламдаги қурилишмонтаж ишлари амалга оширилди. Ўзига хос меъморий кўринишда қурилган бетакрор мажмуа кўпчилик эътиборини тортади. Муҳташам коллежда халқаро талаблардаги спорт зали, баскетбол, волейбол, кураш манежлари, акробатика, спорт гимнастикаси, бокс, стол тенниси, қўл тўпи сингари спорт турлар бўйича машғулот ва беллашувларни ўтказиш учун керакли бўлган шароитлар бор. Вилоят ҳокимлиги қурилиш бошқармаси мажмуани 97 миллион 447 минг сўмликдан ортиқ спорт жиҳозлари билан таъминлаган бўлса, ўрта махсус касб-ҳунар маркази 10 миллион сўмлик синф жиҳозлари етказиб берди.

Айни кунда коллежда ошхона, 250 ўринли ётоқхона, 10 минг нафар футбол мухлисларини ўз бағрига сиғдирадиган замонавий футбол майдони, ёпиқ ва очиқ сузиш ҳавзаларини қуриш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Бу борадаги ишлар поёнига етса, коллеж талабаларининг умумий сафи 1050 нафарга етади.

Олимпия заҳиралари спорт коллежида маҳоратли спортчиларни тарбиялаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида ўрин ажратилган. Бу ерда ҳар бир спортчи ўғил-қиз икки маҳал, беш соатлик спорт машғулотларида қатнашиб, маҳоратини ошириб боради.

Фарғона туманидаги Аввал қишлоғидан келган Нодир Алимов бу ерда футбол йўналишида малака ва маҳоратини ошириш билан бирга бошқа фанларни ўзлаштиришда тенгқурларига ўрнак бўлмоқда. Фарғоналик Бобуржон Усмонов эса жаҳон аро ўз мавқеини топган ўзбек кураши сир-асрорларини устозларидан ўрганиб, чемпионлик учун куч синашиш мақсадида машғулотларда фаол қатнашмоқда. Ёшларга танлов асосида саралаб олинган икки нафар хизмат кўрсатган мураббий ҳамда 10 нафар олий тоифали устоз-мураббийлар ўқув-амалиёт машғулотларида яқиндан ёрдам бермоқда.

– Коллежимиз чемпионлар масканига айланди, – дейди спорт коллежи директори ўринбосари Номонжон Ғуломов.

— Яқинда мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган акробатика бўйича мусобақада жамоамиз чемпионлик кубогини қўлга киритилди. Боксчи ёшларимиз эса «Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси кубоги учун бўлиб ўтган халқаро турнир ғолиби бўлишди. Шунингдек, енгил атлетика бўйича Марказий Осиё Олимпия заҳиралари коллежлари ўртасидаги баҳсларда учинчи ўринни эгалладик, эшкак эшиш бўйича ўтказилган баҳсларда муваффақиятли иштирок этган ўқувчиларимиздан 11 нафари эса мамлакат терма жамоасига аъзо бўлишди. Албатта, чемпионлар сафи бундан кейин янада ортишига ишонаман.

К.РАСУЛОВ

Н.Довқараев номидаги тил ва адабиёт институтида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 50 йиллик юбилейига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

АДАБИЙ КЕЧА

Унда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, шеърият ихлосмандлари, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар шоирнинг қисқа, аммо сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт йўли, мангуликка дахлдор адабий мероси ҳақида гапирди.

Шоир Бозорбой Сейтаевнинг Муҳаммад Юсуф шеърларидан қорақалпоқ тилига ўгирган янги таржималари адабий кечага янада файз киритди.

Сузиш

ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи Ўзбекистон очиқ чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз вакиллари билан бирга Қозоғистон, Қирғизистон ва Германиядан ташриф буюрган 200 нафардан зиёд спортчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Маълумки, терма жамоамиз вакилларидан Равил Начаев, Андрей Моровкин, Александр Агофоновлар аввалданоқ Афина йўлланмасига эга эди. Бу чемпионат давомида яна тўртта йўлланма қўлга киритилди.

200 метр масофага брасс усулида сузиш баҳсларида Сергей Панков, 100 метрга баттерфлай усулида Олег Ляшко, 200 метрга чалқанча сузишда Саида Искандарова, 400 метрга эркин усулда Максим Ким Афина йўлланмасини нақд қилишди.

Энди сузувчиларимиз 27-30 апрел кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган спринтер биринчилик баҳсларида Олимпия йўлланмаси учун баҳсга киришади.

Стол тенниси

МАНЗУРА ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИ

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида стол тенниси бўйича халқаро турнирда иштирок этган 19 ёшли вакиламиз Манзура Иноятова баҳсларни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, олтин медални қўлга киритди. Яккалик баҳсларидаги бу ғалаба Манзурага Афина олимпиадаси йўлланмасини ютиш имконини берди.

Энди бу ёш «теннис маликаси» юрт шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятли ўйинларга жиддий тайёргарликни бошласа бўлаверади.

А.ЮНУСОВ

МУСИҚАЛИ ФИЛЬМ

Тошкентлик киноусталари яна бир қизиқарли экран асарини яратишга киришдилар. Улар Бухорода ижодий сафарда бўлиб, бу қадимий ва кўҳна шаҳар ўтмиши ва бугунги куни билан боғлиқ лавҳаларни тасмаларга тушириш жараёнларини бошлаб юбордилар. «Тақдир» деб номланган бу янги фильм мусиқали ижод намунаси сифати экранларга чиқарилади. Фильмни томоша қилиш давомида томошабинлар жозибали қўшиқ, мусиқа ва рақслар ижролари билан ҳам ошно бўладилар.

Киносанъаткор Мақсуд Охунов режиссёрлигида суратга олинаётган ушбу экран асари «Минг бир кеча» афсонасини эслатувчи лавҳаларга бой бўлиб, томошабинларнинг Бухоро ҳақидаги тасаввурларини янада бойитади.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ФЕСТИВАЛИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида уюштирилган фестивал халқлар дўстлиги мавзусига бағишланди. Ўша куни олий ўқув юрти талабалари Тошкентда фаолият кўрсатаётган қатор маданият марказлари вакиллари билан давра суҳбати қурдилар.

«Ўзбекистон - бизнинг умумий уйимиз» деган шиор остида амалга оширилган бу тадбирда меҳмонлар ўз юртлари маданий ҳаёти ҳақида гапириб бердилар. Турли миллат куй ва қўшиқлари янгради.

Ушбу шодиёна доирасида миллий таомлар фестивали ҳам ташкил этилди.

Хабарлар оқимидан

ЯНГИ ЙЎРИҚНОМА АСОСИДА

Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг 2004-2010 йилларга мўлжалланган йўриқномаси ишлаб чиқилди. Ана шу муҳим ҳужжат асосида «Ўзқурилишматериаллар» ҳиссадорлик компанияси ҳам қатор янги вазифаларни белгилаб олди.

Компанияга қарашли корхоналарда қурилишбоп сифатли материаллар ишлаб чиқаришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишга киришилди.

«Оҳангаронлинпласт», «Агрокерамика» каби корхоналар ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, янги хил материалларни буюртмачиларга етказиб берадилар. Сополчерепицалар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилади.

Юқори сифатли оҳаклар, пардозлашда ишлатиладиган янги қоришмалар ҳам кўплаб тайёрланади.

А.АЛИЕВ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Султоновга отаси **Мурод СУЛТОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 16696 Буюртма Г— 517 1 2 3 4 5